

## КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Ғаппарова Севара Хикматулла қизи

Қорақалпоқ давлат университети талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада кўриб чиқиладиган асосий масала коррупциянинг мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш жараёнида асосий тўсиқ бўлишига қаратилган. Бундан ташқари коррупция ўзи нима эканлиги, уни келтириб чиқараётган омиллар ва коррупцияга қарши курашда дунё тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, уларга самарали ечимлар тўғрисида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** коррупция, коррупцион ҳатти-ҳаракатлар, коррупциянинг тури, коррупцияни тарқатган омиллар, рақамлаштирилган технология, маъсулиятли матбуот, иш ҳақи даражаси, институционал назорат.

**Abstract:** The main issue discussed in this article is focused on the fact that corruption is the main obstacle in the process of modernization and economic growth of country. Moreover, they were informed about what corruption is, the factors that cause it and effective solutions based on the world's experiences in the fight against corruption.

**Keywords:** corruption, corrupt actions, type of corruption, factors spreading corruption, digitized technology, responsible press, salary level, institutional control.

Ҳозирги кунда бутун дунёда энг долзарб масалалардан бири коррупция ҳисобланади. Кўпгина далиллар коррупцияни минг йиллар давомида мавжуд бўлганлигини кўрсатса-да, аммо сўнги йилларда унга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Унинг шу кунларгача етиб келганлиги шундан далолат берадики, бошқа иллатлар каби, уни ҳам таг-туғи билан йўқотишнинг иложи йўқ. Бироқ жамият ва давлат ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш Ер юзидаги барча давлатларда ҳамиша давом етиб келган.

Таъриф ва тушунчалар. Коррупция турли йўллар билан таърифланган, уларнинг ҳар бирида айрим жиҳатлар мавжуд эмас. Бир неча йиллар олдин ҳатто коррупция таърифи масаласи кўплаб конференция ва йиғилишларда уни муҳокама қилиш учун сарфланган вақтнинг катта қисмини олган. Коррупциянинг энг оммабоп ва энг оддий таърифи – коррупция давлат мансабидан шахснинг ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши ёки бошқача қилиб айтганда, мансабдор шахснинг ўз шахсий манфаатини кўзлаб мансаб мақеи, унвони ёки мақомидан фойдаланиши тушунилади.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, коррупцион хатти-ҳаракатларга мисоллар қуйидагилар бўлиши мумкин: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, қариндошчилик, шахсий фойдаланиш учун давлат мулкни ўзлаштириш ва шу кабилар. Бу коррупцион хатти-ҳаракатлар рўйхатида фирбгарлик ва

Ўзлаштириш каби фаолиятлар мансабдор шахс томонидан ёлғиз ёки иккинчи шахс иштирокисиз амалга оширилиши мумкин. Порахўрлик ва товламачилик кабилар эса, икки томонни – берувчи ва олувчини битимга жалб қилади.

Коррупция ҳақида гапирганда унинг айрим турларига тўхталсак, масалан, коррупциянинг икки партияли тури мавжуд бўлиб, у пора кўринишида ва турли шароитларда пайдо бўлиши мумкин. Кўпинча кўйидагиларга тааллуқлидир:

Давлат шартномалари – пора шартномани ким олишига, шартнома шартларига, шунингдек, лойиҳа амалга оширилганда пудрат шартномаси шартларига таъсир қилиши мумкин;

Ҳукумат имтиёзлари – пора кредит субсидиялари, имтиёзли нархлар ва валюта курслари каби пул имтиёзларни тақсимлашга ҳам таъсир қилиши мумкин. Пора, шунингдек, талаб юқори бўлган ва етишмаётган айрим товарларни импорт қилиш каби даромадли иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун лицензия ва рухсатномалар олишда ҳам муҳим. Бундан ташқари, олий таълимга кириш, имтиёзли тиббий ёрдам, уй-жой ва кўчмас мулк олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналардаги даромадли улушлар каби нақд пулларни олиш учун;

Давлат даромадлари – солиқлар, йиғимлар, божхона тўловлари, электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар миқдорини камайтириш учун;

Вақтни тежаш ва тартибга солишдан қочиш – пора мутлақо қонуний фаолиятни амалга ошириш учун рухсат, лицензия ва рухсатномалар беришни тезлаштириши мумкин. Бу бюрократия ғилдираklarини силлиқ, тезроқ ва умид билан тўғри йўналишга айланлириш учун “ёғли пул” деб аталади. Қоидалар ва уларни қўллаш усули ҳақиқатдан ҳам қийин бир вазиятда, ишларни бажаришнинг ягона йўли улардан қочиш учун пул тўлашдир;

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнларининг натижарига таъсир қилиш: пора ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини чоралар кўрмаслиги учун рағбатлантириш мақсадида фойдаланилиши ва айрим шахсларнинг амалдаги конун – қоидаларни бузадиган фаолият билан шуғулланишига бошқа томондан қарашига сабаб бўлиши мумкин. Янада ҳаётий мисол орқали қарайдиган бўлсак, йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахсларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи ҳодимларга ўз ҳуқуқбузарлигининг ҳалқ тилида “бости-бости” қилиш мақсадида кўп ҳолларда коррупция ҳолатларига сабаб бўлади. Дунёнинг етакчи динларига ҳам аввало ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуъони Каримда “Бошқаларнинг мулкани ноҳақ йўл билан йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкнингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангиз” дейилган.

Коррупциянинг ҳамма ҳаракатлари ҳам пора беришга олиб келмайди. Масалан, ўзини касалман деб таътилга чиққан давлат хизматчиси ўзининг хизмат мавқеини шахсий эҳтиёжлари учун суиистеъмол қилмоқда. Шундай қилиб, у пора берилмаса ҳам коррупцияга кўл урилмоқда. Коррупция гарчи барча мамлакатларда бўлса-да, у кам даромад оладиган мамлакатларда анча кенг. Бунинг сабаби, камбағал мамлакатлардаги одамларнинг бой мамлакатдаги ҳамкасбларига қараганда мойиллиги эмас, балки у ердаги шароитлар коррупциянинг ўсишига кўпроқ ёрдам беради. Порахўрлик бу эхтирос билан эмас, балки ҳисоб-китобли жинойтдир. У олинган миқдорига қараб, кўлланиладиган жазо ҳам белгиланади. Пессимистик дунёқарашга эга бўлганлар бу “кўп нарса эмас” ва безовталанишга арзимайдиган нарсадек туйилади, чунки уларга аллақачон бундай ҳолат оддий ҳол бўлиб қолган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoev SH.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 52 b.
2. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 104 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi [Elektron manba]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>
4. Konvensiya Organizatsii Ob‘edinennыx Natsiy protiv korrupsiy (Prinyata rezolyusiyey 58/4 Generalnoy Assamblei ot 31 oktabrya 2003 goda) // [Elektronnyy resurs]. URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.html](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.html)
5. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium\\_CC\\_1867\\_am2018\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf)
6. Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [Electronic resource] URL: [https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain\\_CC\\_am2013\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf)
7. Asia – Pacific Development journal. Vol.7, No. 2, December 2000